

MCHJ «MASLAXATAUDIT-M» AT

Ўзбекистон Республикаси, Жиззах шаҳри, Байналминалчилар-5.
АТ Ипотека банки Жиззах вилоят филиали МФО 00122, х/р.20208000404136258001, СТИР 203679800, ХХТУТ 84400,
Телефакс: (8372) 226-55-78 Тел: +99897-591-49-37 Эл почта Maslaxataudit@mail.ru.

31.03.2018 й.

Дустлик шаҳри

*«Дўстликдонмахсулотлари» акциядорлик
жамияти раҳбарига*

Изоҳлар билан фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Ушбу аудиторлик хулоса «Дўстликдонмахсулотлари» акциядорлик жамияти маъмуриятига тақдим этиш учун тайёрланди. Юридик манзили: Дўстлик тумани, Дўстлик шаҳри, Саноат кўчаси 49 уйда жойлашган. 2014 йил 6 сентябрь куни №140-реестр тартиб раками билан қайта рўйхатга олиниб, №0001010 сонли гувоҳнома бўйича куйидаги кодлар берилган ХХТУТ (ОКОНХ) 19211, Солик тўловчи сифатида Дўстлик туманида рўйхатга олиниб 200998865 сонли СТИР (ИНН) коди берилган. АТБ «Агро банк» Жиззах вилоят бўлими (МФО 00126) талаб қилунгунча депозит ҳисоб раками 202080005002029990001.


Мен, МЧЖ шаклидаги «MASLAXATAUDIT-M» аудиторлик ташкилотининг аудитори (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг №04913-ракамли аудиторлик малака сертификати 22.01.2016 йилда берилган) Н.Бустанов томонидан хўжалик юритувчи субъект «Дўстликдонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 1 январдан 2017 йил 31 декаргача даври учун тузилган 1-шакл «Бухгалтерия баланс» ва 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот», Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот», «Хусусий капитал ҳақидаги ҳисобот»лардан иборат «Молиявий ҳисоботи»нинг ишончилигини 2018 йил 20 январ куни тузилган № 18-сонли шартномага асосан мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдим. МЧЖ шаклидаги «MASLAXATAUDIT-M» АТга Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2001 йил 26 июлда берилган №658-сонли гувоҳнома ва аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигидан 2014 йил 31 январда 00261-сонли лицензия берилган. Юридик манзил: Жиззах шаҳри, Байналминалчилар кўчаси, 5-уй. Ҳисоб-раками 20208000404136258001, «Ипотека банк» АТИБнинг Жиззах филиали, МФО 00122, ИНН 203679800, ОКОНХ 84400, №6/СОА-01 ракамли суғурта полиси «Кафолат» суғурта компанияси АЖ томонидан 2018 йил 5 январда берилган.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз «Дўстликдонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг



мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Изоҳлар билан фикр билдириш учун асос

2017 йил 31 декабрь ҳолатига кўра Ўз.Р. Адлия Вазирлигида 1998 йил 14-августда 475-сон билан рўйхатга олинган “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос”и бўлган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартининг 28-бандидаги “Ҳисобот даврида даромадлар билан харажатларнинг мувофиқлиги”га амал қилинмаган ҳолда 2017 йил ҳисобот даврида 1510-“Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш” ҳисоб варағидаги 31 022 573,0 минг сўм ва 1710-“Бўғдойни саклаш, қуритиш, тозалаш ва қайта ишлаш жароёнидаги табиий йўқатиш ва йўқатишларни молиявий қоплаш захираси” ҳисоб варағидаги 2 160 260,0 минг сўм, жами ўтган йиллар ҳисобида қолдиқда бўлган 33 182 833,0 минг сўмлик харажатлар 2017 йилда бошқа операцион харажатлар сифатида харажатга олинган. Бунинг оқибатида жамиятнинг йиллик харажати ўтган йиллар ҳисобига ошириб кўрсатилган.


Изоҳлар билан фикр билдириш

Бизнинг фикримизча, изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий ҳисоботга таъсиридан ташқари хўжалик юритувчи субъект «Дўстликдонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради.

Кееро нусха ҳақиқий эмас.

Бош директор

Аудитор



М.Гулбаев

Н.Бустанов